# МИЛЛИОНЛАРНИНГ КУРАШ БАЙРОҒИ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 79 (2370), | 21 апрель, якшанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.



В. И. ЛЕНИН

РСФСР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Василев чизган расм. (ТАСС фотохроникаси).

## ЛЕНИН ЛОЛАЛАРИ

*Бир гулдаста бўлиб тизилган,*
*Адирлардан, қирдан узилган,*
*Тўқсон учта шўх қизил лола,*
*Тўқсон учта чўғ қизил лола,*
*Тўқсон учта тўқ қизил лола —*
*Табиатнинг эрка қизлари*
*Бу тонг кумуш «ТУ» қанотида*
*Парвоз этар Москва сари.*
*Оддий гуллар эмасдир булар,*
*Булар асил, бебаҳо гуллар.*
*Офтоб яшнар ёноқларида,*
*Ер қони бор япроқларида,*
*Шабнам тутиб чаноқларида,*
*Байроқ мисол турар товланиб.*
*Ўхшаб кетар тунги гулханга,*
*Гоҳ товланиб, гоҳ оловланиб.*
*Териб қайтди тоғдан болалар,*
*Бу қирмизи, яшноқ лолалар*
*Доҳиймизга меҳримиз, дейди,*
*Юрагимиз, зеҳнимиз, дейди,*
*Қувончимиз, шеъримиз,*
*дейди, —*
*Она-ернинг илҳомидир бу.*
*Чин диллардан улуғ доҳийга*
*Пионернинг саломидир бу!*
*Баҳор, офтоб элчиси мисол,*
*Яшнаб турсин кўргузиб жамол.*
*Мавзолейдир—бу гул даргоҳи,*
*Совғамизни сезади доҳий,*
*Унинг сўнмас, порлоқ нигоҳи*
*Еритади йўлларимизни.*
*Қабул этар барҳаёт Ильич*
*Ёшлик сўзи — гулларимизни.*
*Қисса айтиб ўқишимиздан,*
*Шодлик, ижод—ҳар ишимиздан*
*Доҳиймизни хабардор этсин,*
*Мақбарани бир гулзор этсин,*
*Меҳримизни гул изҳор этсин,—*
*Дея бизнинг бахтли болалар*
*Ҳар кўкламда Москва томон*
*Совға этар ёқут лолалар.*

*Жуманиёз ЖАББОРОВ.*

*СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитетида*

## ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН ИШЛАР УЧУН ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети **қарор қилди:**

I

**Фан** соҳасида энг кўзга кўринган ишлар учун қуйидагиларга 1963 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академиясининг О. Ю. Шмидт номидаги Ер физикаси институтининг старший илмий ходими Михаил Сергеевич **Молоденскийга** — Ернинг гравитацион майдонини, шаклини белгилаш методини ва Ер қалқишларининг назарияс и н и яратганлиги учун.

2. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Ядро тадқиқотлари бирлашган институтининг группа раҳбари Бруно Максимович **Понтекорвога** — нейтрино ва заиф ўзаро таъсирлар физикасига доир экспериментал ва назарий тадқиқотлар учун.

3. Новосибирск давлат университетининг ректори академик Илья Несторович **Векуага**—1959 йилда эълон қилинган «Умумлаштирилган аналитик функциялар» номли илмий асар учун.

4. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси Элемент-органик бирикмалар институти лабораториясининг мудири Кузьма Андрианович **Андриановга**—молекулаларнинг асосий занжирлари анорганик бўлган полимерлар соҳасида 1952—1962 йилларда эълон қилинган тадқиқотлар учун.

5. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Фанлар академияси Элемент-органик бирикмалар институти лабораториясининг мудири Дмитрий Николаевич **Курсановга**, химия фанлари доктори, шу институтнинг старший илмий ходими Марк Ефимович **Вольпинга** — бензоид бўлмаган янги хушбўй системаларга доир 1957—1962 йилларда эълон қилинган тадқиқотлар учун.

6. Тарих фанлари доктори, СССР Фанлар академияси Археология институтининг старший илмий ходими Евгений Игнатович **Крупновга** —1960 йилда эълон қилинган «Шимолий Кавказнинг қадимий тарихи» деган илмий асар учун.

7. Академик Евгений Самуилович **Варгага** — ҳозирги замон капитализми проблемал а р и н и илмий равишда ишлаб чиққанлиги учун, бу ишлар: «Империализм экономикаси ва сиёсатининг (иккинчи жаҳон урушидан кейинги) асосий масалалари», 1957 йил, «Йигирманчи аср капитализми», 1961 йил, «Ҳозирги замон капитализми ва иқтисодий кризислар», 1962 йил, деган китобларда ва бошқа асарларда баён қилинган.

8. РСФСР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг кафедра мудири Алексей Николаевич **Леонтьевга** — «Психиканинг ривожланиш проблемалари» деган 1959 йилда эълон қилинган илмий асар учун.

9. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, СССР Медицина фанлари академияси Онкология институтининг илмий консультанти Николай Николаевич **Петровга** — экспериментал ва клиник онкология масалаларига бағишланган ишлар туркуми учун. Бу ишлар: «Маймунларда ўтказилган тажрибаларда иллатли шишнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш динамикаси», 1951 йил, «Умумий онкологияга доир қўлланма», 1958 йил ва 1961 йил, «Иллатли шишлар» (уч томда), 1947—1962 йиллар, деган китобларда эълон қилинган.

II.

**Техника** соҳасидаги энг кўзга кўринган ишлар учун 1963 йилги Ленин мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

**(Давоми иккинчи бетда).**

## КОММУНИЗМ ИШИ УЧУН ТОЛМАС КУРАШЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Кеча Тошкент қишлоқ область партия ташкилоти активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда идеология ишларининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақида Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. А. Абдураззоқов** доклад қилди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** қатнашди.

**(Йиғилиш ҳақидаги ҳисобот газетамизнинг келгуси сонида босилади).**

## Тошкент қишлоқ область партия комитетининг пленуми

Тошкент қишлоқ область партия комитетининг кеча, 20 апрелда бўлиб ўтган пленумида ташкилий масала кўрилди.

Ўртоқ **Қ. А. Аҳмедов** бошқа ишга ўтганлиги сабабли пленум уни область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилди.

Тошкент қишлоқ область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб **А. П. Алимов** сайланди ва у область партия комитетининг идеология бўлими мудири қилиб тасдиқланди.

## ЛЕНИН БАРҲАЁТ!

Ҳар йил баҳорда, табиат уйғониб, элга олам-олам гул-лолалар ҳадя этган гул фаслида, деҳқонга мўл-кўлчилик келтирадиган, мўл ҳосилга замин қўйиладиган май арафасида қалбимизга энг яқин, энг қадрдон инсон — улуғ Ленин туғилган кунни байрам қиламиз. Унинг улуғ сиймоси, ақли-идроки, меҳнат аҳли учун қилган унутилмас хизматлари учун бош эгамиз, тахсинлар ўқиймиз. Улуғ йўлбошчимиз, бундан кейин ҳам сен бошлаб берган ишни давом эттирамиз, сенга ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз, деб қасамёд қиламиз.

Владимир Ильич Лениннинг номи ҳар биримиз учун энг яқин ва қадрдондир. Чунки у ўзининг бутун умрини, кучини, ақл-идрокини инсониятнинг бахт-саодати, озодлиги ва порлоқ келажаги учун курашга бағишлади. Ленин эски, увадаси чиққан капитализм дунёсини, зулм ва ишсизлик, очлик ва қашшоқлик дунёсини таг-томири билан ағдариб ташлаш йўлларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди ва амалга оширди. Бунинг учун буюк «революционерлар армияси» — Коммунистик партияни тузди, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқидек зўр ижтимоий кучни капитализм дунёсини штурм қилишга бошлаб борди, дунёда биринчи социалистик давлатга асос солди. Ленин тузган, тарбиялаб вояга етказган Коммунистик партия совет халқини социализм ва коммунизмнинг ҳали синалмаган йўлларидан дадил олға бошлаб борди ва бормоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимиз коммунизм қурилишининг кенг авж олдирилган даврига қадам қўйган, Совет Иттифоқи билан биргаликда Осиё ва Европадаги халқ демократияси мамлакатлари порлоқ истиқбол сари комил ишонч билан олға бораётган бир вақтда Ленин ғояларининг ажойиб тантанасини кўриб турибмиз.

Ленин ҳамиша, ҳамма вақт, ҳамма жойда биз билан биргадир. У биз билан бирга яшамоқда, ижод қилмоқда, сўзлашмоқда, маслаҳатлар бермоқда. Тўкин дастурхонимиз устида, фазо сирларини очаётган олимлар лабораториясида, космонавтларимиз қаҳрамонлигида, коммунизмнинг улкан қурилишларида, боғ-бўстонга айланаётган қўриқ ерларимизда, етти йилликнинг буюк иншоотларида, партиямиз тарихий XXII съезди қарорлари, коммунизм қуриш программасини амалга ошираётган ижодкор халқимизнинг фидокорона меҳнатида, хуллас ҳамма жойда, ҳамма вақт биз Ленинни, унинг ғоялари тантанасини кўриб турибмиз.

Биз Ленин кўрсатган йўлдан, Коммунистик партия раҳбарлигида олға бораяпмиз. Бу йўл порлоқ истиқбол йўли, инсониятга Озодлик, Тинчлик, Меҳнат, Қардошлик, Тенглик, Бахт-Саодат бахш этувчи коммунизм йўлидир. Бу йўлдан жаҳон коммунистик ҳаракатининг зарбдор отряди Совет Иттифоқи бормоқда. Бу йўлдан Осиёдаги, Европадаги халқ демократияси мамлакатлари бормоқда. Бу йўлдан эрксевар Куба халқи, Осиё, Африка, Латин Америкасидаги миллионлаб тинчликсевар халқлар бормоқда ва боради.

Владимир Ильич Ленин ижодий марксизмнинг улкан назариячиси. Ленин Маркс назариясини қиёмига етказиб ривожлантирди, империализм ва пролетар революциялари даврига мослаб янги-янги кашфиётлар, хулосалар, қоидалар билан бойитди, ҳаётга татбиқ этди. Коммунистик партия Маркс ва Ленин таълимотини ҳозирги замон шароитида, СССР да коммунистик қурилиш тажрибалари асосида ижодий равишда камолатга етказмоқда. Партиямиз шонли XX—XXI ва XXII съездларининг тарихий қарорларида марксча-ленинча назариянинг коммунистик қурилиш практикаси билан боғлаб ривожлантирилганлигининг ажойиб намунасини кўрамиз. Давримизнинг буюк ҳужжатлари, бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳозирги замоннинг коммунистик манифести деб баҳоланган янги Программамиз ижодий фикрлашнинг юксак чўққиси, Ленин ғояларининг ажойиб мужассамидир.

Партиямиз Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш юзасидан кенг тадбирлар ишлаб чиқди ва амалга оширди. Пленум қарорига биноан халқ хўжалигига партия раҳбарлиги ҳозирга қадар давом этиб келган территориал принципда эмас, балки ишлаб чиқариш принципи асосида қайта қурилди. Шунингдек, партия-давлат контролининг ягона системаси вужудга келди. Ўрта Осиё республикалари экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюроси тузилди. Шунингдек, Ўрта Осиё иқтисодий райони ва унинг органлари ташкил этилди. Бу партия ва давлат раҳбарлигининг Ленин томонидан ишлаб чиқилган принципларининг тикланиши ва яна ҳам ривожлантирилишидир.

В. И. Ленин халқлар дўстлигининг асосчиси ва ташкилотчисидир. СССРнинг ташкил этилиши ва тузилиши, миллий республикалар экономикаси ва маданияти, ҳаёти, келажаги ҳақидаги буюк ғамхўрлик Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Туркистон меҳнаткашларини озиқ-овқат билан таъминлаш, саводсизликни тугатиш, ўзбек хотин-қизларини тўла озодликка чиқариш, Тошкентда Ўрта Осиё Давлат университетини ташкил этиш, Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштириш ва сув чиқариш, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ва жуда кўп масалалар Лениннинг ҳамиша диққат марказида бўлди.

Миллий республикалар, айниқса Ўзбекистон ҳақида В. И. Ленин қилган оталарча ғамхўрликлар ўзининг ажойиб натижаларини берди. Энди Ўзбекистон республикаси ҳур республикаларнинг озод иттифоқида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, Шарқда коммунизмнинг ҳеч сўнмас, абадий машъали бўлиб қолди. Республикамиз қудратли индустрияга, ҳозирги замон техникаси билан қуролланган қишлоқ хўжалигига, гуллаб-яшнаётган маданиятига эга. Пойтахтимиз Тошкент олий ўқув юртлари шаҳри, маданият маркази, халқаро йўллар ўтган Шарқнинг дарбозасидир. Совет Ўзбекистони қардош халқларнинг дўст, иноқ оиласида, катта оғамиз улуғ рус халқи бошчилигида коммунизмнинг ёрқин йўлларидан олға бормоқда. Биз бахтли ва озод ҳаётимиз, порлоқ истиқболимиз учун улуғ Лениндан, Коммунистлар партиясидан абадий миннатдормиз.

Бахтиёр ўзбек халқи ҳар йили улуғ йўлбошчимиз Ленин туғилган кунни нишонлар экан, ўз қалбидаги энг илиқ, энг самимий сўзларини, меҳр-муҳаббатини Ленин партиясига йўллайди, унинг ҳар қандай топшириқларини, режаларини амалга оширишга тайёр эканлигини изҳор қилади.

Ленин ҳамиша барҳаёт, биз билан биргадир. Унинг туғилган куни, Ватанимиз тарихида янгилик, олға силжиш, янги босқичлар сари боришдир. Ленин туғилган кун тафаккур, ижодий фикрлашнинг яна ҳам ўсиши, камолга етиши, ҳаётга сингиб, зўр кучга айланишидир.

Ленин кўрсатган йўлдан, улуғ партиямиз раҳнамолигида коммунизмнинг улкан чўққилари сари олға бораверамиз!

## РАҲБАР КАДРЛАРНИ ЧИНИҚТИРАЙЛИК

*Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми*

Илгари хабар берилганидек, 19 апрелда Тошкент шаҳар партия комитетининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев Тошкент шаҳар партия ташкилотининг раҳбар кадрлар билан ғоявий-тарбиявий ишлаши ҳақида доклад қилди.

— Совет кишилари,— дейди докладчи,—партия XXII съезди қарорларини ва КПСС Программасида белгилаб берилган коммунистик қурилиш режаларини ҳаётга татбиқ қилиш борасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Май ойида КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини чақириш ҳамда бу Пленумда партиянинг коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврда идеология ишларининг етилган масалаларини ҳал қилажаги ҳақидаги хабар омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириб юборди.

Марказий Комитетнинг кейинги йилларда ўтказилган Пленумлари муҳим халқ хўжалик масалаларини ҳал қилишга бағишланган эди. Бу Пленумлар партия ва халқнинг куч-ғайратини асосий иқтисодий вазифани муваффақиятли бажаришга — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга йўналтирди.

Партиямиз идеология ишини коммунистик қурилишнинг туб масалаларини муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим воситаси деб билади. Шунинг учун ҳам партия Марказий Комитети, Н. С. Хрущев идеология ишининг таъсир доирасини кенгайтириш, ғоявий савиясини ошириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилади, партиянинг барча ғоявий қуроллари янги кишини тарбиялашга актив ёрдам бериши ҳақида ўйлайди.

Яқинда Тошкентда Ўрта Осиё республикалари идеология ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгаш партия ташкилотларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан муҳим вазифаларини қараб чиқди, сиёсий ишдаги камчиликларни очиб ташлади. Кенгашнинг таклиф ва хулосалари бизнинг партия ташкилотларимизга идеология ишларини жонлантириб юборишда, шубҳасиз, катта ёрдам беради.

Идеология иши шахсни ҳар томонлама, гармоник ривожлантиришдек олижаноб ишга бўйсунган бўлиши янги — юксак ғоявий, ахлоқий соф кишининг манъавий қиёфаси, характерини шакллантиришга хизмат қилиши керак. КПСС Программаси идеялари ҳар бир совет кишисининг қон-жонига сингиши керак.

Докладчи таъкидлаб ўтганидек, биз партия, совет ва хўжалик раҳбарлигининг барча соҳаларида аниқ ишлашга, касаба союз, комсомол ва бошқа оммавий ташкилотларнинг фаолиятини кучайтиришга қанчалик тез эришсак, коммунизм шунчалик муваффақиятли қурила беради. Буларнинг ҳаммаси кўп жиҳатдан раҳбар кадрларга боғлиқ.

Партия кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишига ҳамма вақт алоҳида эътибор бериб келди. КПСС Марказий Комитети раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни коммунистик ғоявийлик, топширилган ишга юксак масъулият билан қараш руҳида тарбиялаш ҳозирги вақтда ҳам партиянинг унинг жойлардаги органлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий ишдаги бош вазифаси бўлиб қолади, деб ҳисоблайди.

Бизда партия ва давлат аппаратининг кўпминг кишилик раҳбар кадрлари вужудга келганлиги, хўжалик ва маданиятнинг барча соҳаларида мутахассислар етишиб чиққанлиги коммунистик партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг буюк ғалабасидир.

Шаҳар партия ташкилоти Ўзбекистон КП Марказий Комитети бошчилигида раҳбарликнинг ҳар бир участкасига сиёсий ва ишчанлик қобилияти юксак бўлган оммани ташкил қилабилишда ўзини кўрсатган, ишга ижодий ёндошадиган, истиқболи бор кишиларни қўйишга эришмоқда.

Ўртоқ Муртазоев саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, ўқув юртлари ва илмий-текшириш, маданият муассасалари, театрлар, ижодий ташкилотлар ва бошқа идеология муассасалари, министрлик аппаратлари, бошқармалар, хўжалик-бошқарув ташкилотларидаги раҳбар кадрлар, шаҳар партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар кадрлари составини батафсил анализ қилиб берди. Докладчи шуни қайд қилдики, кейинги вақтларда раҳбар кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалалари анча яхшиланди. Кадрларнинг топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш шаҳар, район партия комитетлари пленумлари, активлари ва бюролари муҳокамасига тез-тез қўйилди. Шаҳар ва район партия комитетлари кадрларга нисбатан талабчанликни оширдилар, уларни топширилган иш учун жавобгарликни сезиш руҳида, давлат манфаатларини кўзлаб ишлаш, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш, янги, илғор нарсаларни қўллаб-қувватлаш руҳида тарбиялаш юзасидан ишларни яхшилади.

Раҳбар кадрлар составининг, партия ташкилотларида ташкилотчилик ва идеология ишлари даражасининг яхшиланганлиги хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам берди.

Агар шаҳар партия ташкилотининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари савияси КПСС XXII съездининг, Марказий Комитет ноябрь Пленумининг талаблари даражасида бўлганда, шаҳарнинг хўжалик ва маданий қурилиши соҳаларидаги муваффақиятларимиз бундан ҳам зиёдроқ бўлган бўлур эди.

Кадрларнинг ғоявий чиниқтирилиши ҳақида гапириб докладчи сиёсий маориф тармоқларидаги ишларга тўхталди. Раҳбар кадрларни марксча-ленинча билим билан чуқур қуроллантириш ишида жиддий камчиликлар бор. Шаҳар партия комитети раҳбар кадрларнинг партия комитетлари ҳузурида ўқувини ташкил қилиш масалаларига етарли эътибор бермаяпти. Бундай ўқишнинг ўйлаб тузилган системаси йўқ. Шаҳар партия активининг илгари ишлаган семинарлари энди фаолият кўрсатмай қўйди. Мактаб ва семинарларда машғулотлар кўпинча юзаки ўтади, бу машғулотлар ходимларни ўз ғоявий-сиёсий савияларини оширишлари юзасидан чуқурроқ ишлашга ундамайди.

Партия ташкилотлари раҳбар кадрларнинг мустақил ўқишини яхши назорат қилмаётирлар.

Тажриба шуни кўрсатадики, қизиқиш, истак бўлган жойда кадрларнинг экономикани ўрганишини яхши уюштириш мумкин. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатида кейинги уч йил ичида экономикани ўрганиш тўгараклари, мактаблар, семинарларга 11 мингдан ортиқ киши жалб қилинди, юзга яқин илмий-техника ва иқтисодий конференциялар ўтказилди. Раҳбар кадрлар учун техника прогресси ва иқтисодий билимлар университети вужудга келтирилган. Буларнинг ҳаммаси яхши натижалар бермоқда. Комбинат — ҳозир республиканинг энг илғор корхоналаридан бири. Унинг коллективи маҳсулотларнинг барча турлари бўйича етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқда.

«Ташкенткабель», экскаватор заводи, каноп ва тамаки фабрикалари ҳамда бошқа бир қатор корхоналар партия ташкилотлари ҳам иқтисодий ўқишни ташкил қилишда яхши натижага эришганлар.

Шаҳар ва район партия комитетлари иқтисодий билимни оширишнинг хилма-хил шаклларини ривожлантиришлари, экономика ва илмий-техника билимлари университетлари, лекторийлари, назарий конференциялар, мустақил ўқишнинг ҳар хил формаларидан кенг фойдаланишлари керак.

Докладда кадрларни ва барча меҳнаткашларни халқлар дўстлиги, социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш вазифаларига катта эътибор берилди.

**(Давоми тўртинчи бетда).**

# РАҲБАР КАДРЛАРНИ ЧИНИҚТИРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Тошкент меҳнаткашлари республикамизнинг ҳамма меҳнаткашлари қатори социалистик интернационализм ва халқлар дўстлиги позициясида маҳкам турибдилар. Бизда национализм учун ҳеч қандай социал манба йўқ. Лекин афсуски, айрим ҳолларда биз миллий чекланганлик, маҳаллийчилик ҳолларига дуч келиб қоламиз. Гарчи бундай ҳоллар жуда кам учраса ҳам биз улардан кўз юмолмаймиз, уларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришимиз керак.

Маҳаллий кадрларни ўстириш ва тарбиялаш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Партия, совет ва хўжалик кадрларини ғоявий жиҳатдан тарбиялаш СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал қилиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳар бир раҳбарнинг сиёсий етуклиги аввало партия ва ҳукумат қарорларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилиши билан белгиланади.

Шаҳар саноати гарчи планни дуруст бажараётган бўлса ҳам, ишни янада яхшироқ ташкил қилиши мумкин эди. Афсуски, кўпгина корхоналар планларни бажармаётир. 1962 йили 23 корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни уддалай олмади.

Шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг вазифаси ҳар бир раҳбар ходимда топширилган ишга нисбатан чуқур жавобгарликни ҳис қилиш, партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш, партия ва ҳукумат кўрсатмаларини сўзсиз бажариш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Биз КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришга илғорлар тажрибаси фан ва техника ютуқларини жорий қилабориш, планлаштиришни такомиллаштириш, хўжаликни бошқариш усулларини яхшилаш, саноатдаги ва қурилишдаги ички резервларни қидириб топиб, уларни меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилдириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини арзонлаштириш соҳасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан кундалик контроль ўрнатилишини таъминлашимиз лозим.

Докладда раҳбар ходимларнинг меҳнаткашлар билан доимо алоқада бўлиб туриши масаласига катта ўрин берилди.

Никита Сергеевич Хрушчев ҳозирги пайтда халқ оммаси билан ғоят яқиндан алоқада бўлишнинг ленинча намуналарини амалда кўрсатмоқда. Унинг бутун мураккаб кўп қиррали партиявий-давлат фаолияти халқ оммаси билан бевосита ва шахсан узвий алоқада бўлиб туришнинг тимсолидир.

Раҳбар партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ходимлари омма билан доимо мустаҳкам алоқада бўлиб туришлари, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини сезгирлик билан билиб олишлари, шунингдек улар коллективнинг сиёсий-ахлоқий ҳолатига ишлаб чиқариш билан баравар жавоб беришлари лозим.

Ўртоқ Муртазоев ишчи ва хизматчиларга сиёсий ва хўжалик вазифаларини тушунтириш, улар билан доимо жонли алоқада бўлиб туришни ўзларининг бурчлари деб билмайдиган раҳбарларни танқид қилади. Ўзларининг вазифаларини фақатгина кўрсатмалар бериш, буйруқлар чиқаришдангина иборат деб биладиган, оммани тарбиялаш, улар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш — бу жамоат ташкилотларининг иши деб биладиган хўжалик раҳбарлари катта хато қиладилар.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг кенг меҳнаткашлар оммасини ғоявий жиҳатдан тарбиялашда ҳар бир раҳбарнинг шахсан иштирок этиши шарт эканлиги тўғрисидаги талабининг оғишмай амалга оширилишини таъминлашлари керак.

Бутун партия иши — кенг маънода айтганда бу одамлар билан ишлаш демакдир. Демак у, кабинетда ўтириб олиб қоғозбозлик қилиш, бетарафлик позициясида туриш, инсонга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш каби ҳоллар билан сира келишолмайди. Раҳбар ходим ҳар бир иш билан чуқур танишиши, одамларнинг истак ва орзуларига сезгирлик билан қулоқ солиши, уларнинг кайфиятларини ҳисобга олиб муносабатда бўлиши керак.

Партия ташкилотларининг иши, раҳбар ходимларимизнинг оммани коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишлари доимо меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, хотин-қизлар, оналарга меҳрибон бўлиш, уларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қулоқ солиб бориш сингари ишлар билан қўшиб олиб борилиши лозим.

Омма билан сиёсий иш олиб боришда саноат корхоналаридаги раҳбар ходимларнинг кўп сонли қуйи звенолари, прораблар, қурилиш ташкилотларининг бригадирлари катта кучдир. Улар ишлаб чиқаришнинг бевосита ташкилотчилари ҳисобланадилар.

Докладчи раҳбар кадрларни юксак принципиаллик, ахлоқий поклик, софдиллик ва ростгўйлик руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди ва кўзбўямачилик, порахўрлик, жамоат мулкини талон-тарож қилиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш масалаларига аёвсиз ўт очиш кераклигини уқтирди.

Одатда жамиятимизга ёт бўлган хатти-ҳаракатлар коммунистлар, комсомоллар жамоатчиликнинг кўз ўнгида рўй беради. Бироқ ҳамма вақт ҳам бундай ҳолларга ўша ернинг ўзида барҳам берилмайди. Бундай хатти-ҳаракатлар коллектив ва жамоатчилик томонидан қатъий қораланмайди. Кўп ҳолларда партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари унга бефарқ қарайдилар.

Раҳбар ходимнинг фаолиятидаги камчиликка нисбатан келишувчи бўлиш, уларга етарли талабчанлик қилмаслик, ўша ходимнинг салбий хислатларининг кўпайишига олиб келади, кадрлар сафдан чиқади, бу ўз навбатида ишимизга катта зиён келтиради.

Шунга эришиш керакки, ҳар бир партия ташкилоти, қайси бир раҳбар ёки оддий ходим бўлмасин, унинг фаолиятида камчиликлар аниқлангудек бўлса, бу камчиликларни ўз вақтида принципиаллик билан танқид қилиб, уни тузатишга ёрдам бериш керак. Ана шунда кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципининг бузилишига йўл қўйилмайди.

Раҳбар ходимнинг принципиаллиги, унинг ўз адресига қилинган танқидни қандай қабул қилиши ва ундан қандай хулосалар чиқариб олиши билан белгиланади. Агар раҳбар оммадан ажралиб қолса, танқид ва мулоҳазаларга қўл силтаб қўяқолса, меҳнаткашларнинг сигналларига бюрократларча муносабатда бўлса, ҳеч шубҳасиз у ўз ишида жиддий камчиликларга ва хатоларга йўл қўяди. Бундай раҳбар сиёсий раҳбар деган номни оқлай олмайди.

Шуни айтиш керакки, шаҳарнинг кўпгина партия, совет, хўжалик ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқид анча бўш. Одамнинг номақбул хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралаш ўрнига, ўзига топширилган участкани эплайолмаган бўлишига қарамасдан уни секингина бошқа раҳбарлик ишига ўтказиб қўяқоладилар.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ўзининг номуносиб хулқ-атворлари билан партия ишончини оқламаётган, давлат манфаатларини назар-писанд қилмаётган, давлат ва партия интизомини бузаётган, ҳаётдан орқада қолган, оммадан узоқлашиб кетган ва ўзига топширилган вазифани эплайолмаётган ходимларни алмаштириш йўлидан қатъий бормоқда.

Шу билан бирга баъзи бир раҳбар ходимлар ўртасида ўтмишнинг сарқити — хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш, диний маросимларга мойиллик кўрсатиш ҳолларига ҳам кескин барҳам бериш керак. Шаҳарда илмий атеистик пропаганда ҳали қониқарсиз. Бу иш плансиз олиб борилаяпти. Диний сарқитларга қарши курашни муттасил кучайтириш, диндорлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш учун зарур чораларни кўриш, бу соҳада партия ташкилотлари ва шаҳар жамоатчилигининг ролини ошириш керак.

Сўнгра докладчи партия ташкилотлари ҳар бир раҳбар ходимнинг ўз маҳоратини ҳар тарафлама ўстириб ривожлантириб боришлари учун ғамхўрлик қилишлари тўғрисида гапиради. Улар раҳбар ходимлар ўз вақтларини қандай ўтказаётганликлари, ўзларининг маданий савияларини қандай ошириб бораётганликлари, болалар тарбияси билан қандай қизиқаётганликлари тўғрисида доимо ўйласинлар.

Шу муносабат билан ўртоқ Муртазоев ҳар хил турдаги кенгаш ва мажлислар сонини кескин камайтириш зарурлиги масаласини қўяди. Кўпгина корхоналарда, корхоналардагина эмас, ҳатто бошқа ташкилотларда ҳам кенгашлар раҳбарликнинг бирдан-бир методига айланиб қолмоқда.

Раҳбарлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб борар эканмиз биз такаббурлик, ўзини юқори қўйиш, манманлик, оддий ходимларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга бюрократларча муносабатда бўлиш ҳолларига қарши аёвсиз кураш очайлик.

Ҳар бир раҳбар ходимнинг ғоявий етуклигига унинг ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни қанчалик жалб этабилганлиги, маъмуриятни ишлаб чиқариш комитетлари билан жамоат комиссиялари ва кенгашлари, партия-давлат контроли группалари билан ҳамкорликда иш олиб боришларини ташкил қилабилишига қараб баҳо беради.

Ўтган йили меҳнаткашлар оммаси ўртасида идеология ишларини яхшилаш, кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйишга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинди. Бироқ шаҳар партия комитетининг бюроси ва секретарлари бу қарорларнинг бажарилиши учун астойдил курашмадилар, суст контроллик қилдилар.

Шаҳар партия комитети раҳбар кадрлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришда бошланғич партия ташкилотлари кучига кам суянмоқда. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари раҳбар ходимларга жиддий таъсир кўрсатмаётирлар. Бундан фойдаланган раҳбарлар ўз устларида ишламай қўядилар, тарбиявий ишларда четда қоладилар. Ўзларини ҳаддан ташқари юқори тутадилар. Одамлар билан муносабатда қўполликка йўл қўядилар. Партия йиғилишлари, бюро ва комитетларда тарбиявий ишлар масаласи ҳали ҳам камдан-кам муҳокамага қўйилмоқда.

Шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг вазифаси идеология ишлари, кадрларни ғоявий ва сиёсий тарбиялаш масалаларини пленумларда, партия комитетларининг бюроларида, партия активлари йиғилишларида доимо муҳокама қилиб борилишини таъминлашдан иборатдир. Хўжалик раҳбарларининг улар бошчилик қилаётган корхонада ғоявий-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисидаги ва уларнинг меҳнаткашлар оммаси ўртасида тарбиявий ишларда қатнашаётганликлари ҳақидаги ҳисоботларини эшитиб боришни йўлга қўйиш керак.

Ғоявий-тарбиявий ишлар ҳар бир партия ташкилоти ва ҳар бир коллективнинг иш мазмунини ташкил қилсин, меҳнаткашларнинг онглилигини янада оширсин, уларни коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишда даъват этсин.

Ҳар бир коммунист, ҳар бир раҳбар ходим ўзининг жамоат олдидаги бурчини яққол ҳис қилсин қандай улуғ ишни бажаришга хизмат қилаётганлигини тушуниб меҳнат қилсин.

Докладчи шаҳар меҳнаткашлари олдида етги йилликнинг бешинчи йилида қилинадиган вазифалар ҳақида гапиради ва барча пропагандистик, партиявий-сиёсий, партиявий ташкилий ишларни, ана шу шарафли вазифаларни бажаришга бўйсундирилиши лозимлигини уқдириб ўтади.

* * *

Ўртоқ Муртазоев доклади юзасидан бошланган музокараларда Ленин район партия комитетининг секретари ўртоқ **В. Окунский** биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Район партия комитети кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш ишларига кейинги вақтларда катта эътибор бермоқда. Кадрларимиз состави анча яхшиланди. Ўтган йил сентябрда район партия комитети корхона раҳбарларининг бир йиллик мактабини ташкил этган эди. Мактабда ўтказиладиган машғулотларда олимлар, мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари лекция ўқимоқдалар. 1962-63 ўқув йилида партия маорифи шохобчаларидаги машғулотларга 27,5 минг киши жалб этилди. Шулардан 16 мингги партиясиз меҳнаткашлардир. Корхона раҳбарлари, партия ташкилоти секретарлари омма орасида бўлиб, уларнинг ишидан, ҳаётидан хабардор бўлиб турибдилар.

Бироқ районимиз бўйича еттита корхонанинг биринчи квартал планини бажараолмай қолганлиги ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Ана шу қолоқ корхоналарда одамлар билан ғоявий-тарбиявий ишлаш жуда бўш. Қаердаки сиёсий-тарбиявий ишлар яхши ташкил этилмаган бўлса, ўша ерда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари паст, маҳсулот сифатсиз бўлади. Демак, биз кадрларнинг назарий ва иқтисодий билимларини оширишга жиддий эътибор беришимиз лозим. Бу соҳада қиладиган ишларимиз жуда кўп. Яқин кунларда корхона раҳбарлари иштирокида назарий конференциялар ўтказмоқчимиз.

Киров район партия комитетининг секретари ўртоқ **О. Акрамов** районда олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишлар, кадрларни тарбиялаш ва уларнинг малакаларини оширишда партия ташкилотларининг роли тўғрисида гапирди. Районда иқтисодий ва назарий конференциялар ўтказилиб турибди. Завод, фабрика, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари ишчилар ўртасида лекция ўқийдиган, суҳбат ўтказадиган бўлиб қолдилар. 5-ғишт заводи ва «Узбексельмаш» заводида кадрларни ўқитишга яхши эътибор берилмоқда.

Афсуски, баъзи раҳбар ходимларда манманлик, бюрократизм, сансалорлик каби иллатлар учраб туради. Коммунистларни ва барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, уларга маънавий озиқ бериш бизнинг бурчимиздир.

Бизда ҳали цех бошлиғи вазифасида ишлайдиган кадрларнинг кўпчилиги етарли маълумотга эга эмас. Вазифа — барча раҳбар кадрларни ўз устида ишлашга ўргатиш ва ўқитишдан иборат. Кадрларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш район партия комитетининг асосий иши бўлмоғи керак.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари ўртоқ **Г. П. Владимиров** КПСС Программаси совет ёзувчилари олдига қўйган улуғвор вазифалар ҳақида гапирди. Адабиёт, санъат—тарбиянинг асосий воситаси бўлмоғи керак, дейди у. Партия-давлат раҳбарларининг адабиёт ва санъат ходимлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашуви ёзувчилар ҳаётида катта воқеа бўлди. Ёзувчи ҳам пропагандистдир. У ўз асарида партиянинг ғояларини тинмай тарғиб қилиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидан кейин ижодий интеллигенция ўз ишига яна бир марта танқидий назар ташлаб, шу куннинг талабларига жавоб берадиган асарлар яратиш иштиёқида заводларга, колхозларга, қайноқ ҳаёт қучоғига жўнаб кетди. Адабиёт ва санъат арбоблари абстракционизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш байроғини юқори кўтардилар. Ўзбекистон ёзувчилари ва санъат арбоблари коммунистик жамият қуриш программасини амалга оширишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Пленум қатнашчилари «Ташсельмаш» заводи цех мастери ўртоқ **Д. Н. Небольсининнинг** нутқини эътибор билан тингладилар.

— Мени ўтган йили завод раҳбарлари қолоқ ҳисобланган автомат цехига мастер қилиб тайинладилар, — деди у. — Янги ишга киришган вақтларимда цехдаги йигитлар етти соат ишлагач, заводдан тез чиқиб кетишга ошиқардилар. Биророта ҳам ишчи завод клубига кириб, газета-журнал ўқимас эди. Цех ишчилари билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказилганда уларнинг ўйлари, орзулари менга аён бўлди. Ҳар бирининг қалбига йўл топиш чораларини изладим. Ҳозир биз цехни анча эпақага келтириб қўйдик. Планлар ортиғи билан бажарилмоқда. Илгарилари цехда учта штатли контролёр ишларди. Ўша вақтда бир ярим процент брак чиқса, контролёрсиз ишлаганимизда брак 0,5 процентга тушди.

Ҳамма гап кишиларнинг қалбига йўл топа билиш, уларни қизиқтирган нарсаларни сезишда экан. Шу кунларда цехимиз коллективи коммунистик меҳнат цехи номини олиш учун курашмоқда. Етти йилликнинг бешинчи йили планини ноябрь байрамигача бажариш мажбуриятини олдик. Коллективимизда дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ҳамкорлик қарор топган.

Тошкент тепловоз депоси мастери ўртоқ **А. А. Арутюнов** коллективнинг коммунистик меҳнат учун олиб бораётган курашида эришаётган ютуқлари ҳақида сўзлади. Бу ерда кадрларнинг иқтисодий ва сиёсий билимларини ошириш борасида бирмунча ишлар қилинмоқда. Депо коллективи биринчи квартал планини муддатидан илгари адо этди.

— Совет кишиларининг талаблари, истаклари, дидлари ўсиб бормоқда, — дейди «Узгоспроект» институти партия ташкилотининг секретари ўртоқ **А. М. Вашчилина**. — Шунинг учун ҳам лойиҳачи ва архитекторларимиз замон талабига мос бинолар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Юксак дид ва санъаткорона талант билан яратилган лойиҳаларгина коммунистик қурилишга асос бўла олади. Институтимиз ҳозир турар-жой биноларини битталаб лойиҳалашдан комплект равишда лойиҳалашга ўтди.

Бироқ конструкторларимиз орасида ғарб услубида лойиҳалар яратишга уриниб юрганлар ҳам учраб туради. Бундай лойиҳалар кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинганда қаттиқ танқидга учрамоқда.

Конструктор ва инженерларимизнинг назарий ҳамда сиёсий билимларини ошириш мақсадида жамоатчилик асосида ишлайдиган семинар ташкил қилганмиз. Семинарда 350 дан ортиқ киши иштирок этмоқда. Бизнинг вазифамиз арзон ва қулай турар-жой бинолари яратиб, шаҳарларимиз ҳуснини очишдан иборат.

Минбарга Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Я. Буреш** чиқади. У райондаги раҳбар кадрларнинг иқтисодий билимларни қизиқиб ўрганаётганликларини гапиради. Ҳозир районимизда, — дейди у, — 25 374 киши иқтисодий билим асосларини ўрганмоқда. Пропагандистлик ишига мутахассислар жалб этилмоқда. Масалан, лак-бўёқ заводидаги олтита пропагандистдан бештаси мастер.

Бироқ, биз ишлаб чиқариш командирлари бўлмиш мастерларни ўқитиш ишини кўнгилдагидек ташкил этолмаяпмиз. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги мастерларнинг 40 проценти фақат практиклардир. Район саноат комбинати мастерларидан биронтасининг махсус маълумоти йўқ. Айрим мастерлар ўз устларида ишламайдилар, бирор ерда ўқимайдилар. Устига-устак, жамоат ишларида ҳам қатнашишмайди. Вазифа — барча мастерлар ва бригадирларни ўқитиш, уларнинг малакасини оширишдан иборат.

1-тикувчилик фабрикасининг цех бошлиғи ўртоқ **А. Д. Паршукова** фабрикада 27 та сиёсий тўгарак ташкил этилганини, уларнинг 11 тасида конкрет экономика асослари ўрганилаётганини айтди. Олиб борилаётган тарбиявий ишлар яхши самара бермоқда. Корхонадаги ишлаб чиқариш участкалари коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун астойдил курашмоқда.

Нотиқ шаҳарда фабрика молларининг кенг ассортиментини намойиш қиладиган ва сотадиган фирма магазини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтади. Сўнгра у, юқори партия ташкилотларининг ходимлари фабрикага жуда кам келадилар ва лекция-суҳбатларни кам ўтказадилар, деди.

Тошкент давлат университетининг ректори ўртоқ **О. Содиқов** ўқитувчилар коллективи ва студентлар орасида олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишларнинг аҳволи ҳақида гапиради. Тошкент Давлат университетида 16 та бошланғич партия ташкилоти ва юздан ортиқ комсомол ташкилоти бор. Интернационализм деган сўз университетда ўз ифодасини топган. Бу ерда 40 дан ортиқ миллат болалари таҳсил кўради. Студентларнинг эстетик дидларини ўстириш, уларни коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялашда ўқитувчилар коллективи астойдил жон куйдирмоқда.

Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. Муллаев** кишиларга жамоатчилик фикрининг яхши таъсир қилишини, одамларни тарбиялашда жамоатчиликнинг роли ниҳоятда катталигини қайд қилади. Деярлик ҳамма корхоналарда жамоатчи контролёрлар ишга тушган. Тўқимачилик комбинатининг 2-тўқувчилик фабрикасидаги контролёрлар ишидан ўрнак олса арзийди. Корхонада брак маҳсулотлар кескин камайган.

Аммо коммунистлар пешқадамликни қўлдан бой берган жойларда иш ёмон. Ана шундай корхоналар қаторига 2-тикувчилик фабрикасини киритиш мумкин. Фабрика ишлаб чиқараётган маҳсулот харидорларни қониқтирмаётир. Район партия комитети қолоқ корхоналарни илғорлар қаторига ўтказишда ҳали кўп ишлар қилиши керак.

Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ **М. П. Попова** фабрикада ойида икки марта ўтказиладиган «Мастерлар куни» ҳақида гапиради.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Пленум ишларида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси **В. Г. Ломоносов**, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси аъзоси, Ўрта Осиё Халқ Хўжалиги Кенгашининг раиси **С. И. Кадишев**, Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари **П. В. Каймаков** қатнашдилар.

## ОБ-ҲАВО

Бугун Тошкент шаҳрида, областида ва яйловларда ҳаво вақти-вақти билан булутланиб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Эрталаб Тошкентда 11—13 областда ва яйловларда 10—15, кундузи Тошкентда 22—24, областда 21—26 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент об-ҳаво бюроси.**

**Редактор М. ҚОРИЕВ.**

## ХАЛҚЛАР ЛЕНИНДАН МИННАТДОР

*ТЕҲРОН. Совет Иттифоқи билан маданий алоқалар Эрон жамиятининг раиси генерал Жаҳонбоний шу жамиятнинг йиғилишида сўзга чиқиб, Эрон билан дўстона муносабатлар ўрнатишда В. И. Ленин катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтди.*

*45 йил муқаддам Ленин Россия чор ҳукуматини ағдариб ташлаб, янги давлат барпо қилди. Жаҳондаги давлатларнинг кўпчилиги Ленин тузган давлатнинг мустаҳкамлигига шубҳалачиб, уни танимасдан турган бир пайтда, деб сўзини давом эттирди Жаҳонбоний, Эрон Ленин ҳукуматини расмий равишда таниган ҳамда у билан дипломатик ва савдо муносабатларини ўрнатган биринчи давлат бўлди.*

*Дастлабки кезларданоқ, деб таъкидлади Жаҳонбоний, икки қўшнининг муносабатлари тенг ҳуқуқлилик ва мустақиллик принципига асосланди. Уларнинг ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик даври ҳукм сурди. Эрон шаҳаншоҳи ҳазрат олийлари буни ўз нутқларида бир неча марта кўрсатиб ўтди ва Лениннинг Эронга нисбатан кўрган дўстона тадбирларига юксак баҳо берди.*

* * *

*БУХАРЕСТ. В. И. Ленин туғилган куннинг йиллиги арафасида Руминиянинг корхоналари ва муассасаларида жаҳон пролетариати йўлбошчисининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган суҳбатлар, семинарлар ва адабий кечалар ўтказилмоқда, В. И. Ленин асарларининг виставкалари ташкил қилинмоқда.*

* * *

*БУДАПЕШТ. Кошут номли нашриёт В. И. Ленин Асарлари тўла тўпламининг биринчи томини венгер тилида нашр этишга тайёрламоқда. 55 томдан иборат Асарлар тўпламига революция улуғ йўлбошчиси Асарларининг биринчи 38 томлик тўпламига кирмаган кўп мақолалари, нутқлари ва хатлари киритилади. Асарларнинг биринчи томи традицион ёзги китоб ҳафталиги бошланишига босилиб чиқади.*

## ҲАҚИҚАТ КУРАШЧИЛАРИГА ОЗОДЛИК!

**Тошкент журналистларининг шаҳар йиғилиши**

19 апрелда Тошкентда матбуот, радио ва телевидение ходимларининг шаҳар йиғилиши бўлди. «Ҳақиқат ва бахт-саодат йўлидаги курашчиларга озодлик!» деган шиор остида ўтган бу йиғилиш ўз прогрессив фаолиятлари учун таъқиб қилинаётган журналистлар билан бирдамлик Халқаро ҳафталигига бағишланган эди.

Йиғилишни Журналистлар союзи Тошкент шаҳар бўлими бюросининг раиси, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакторининг ўринбосари А. Исмоилов очди. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон телеграф агентлигининг директори Қ. Узоқов Бирдамлик ҳафталиги тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари кўпгина мамлакатларда ўз фаолиятларини ўз халқларининг манфаатлари учун, тинчлик ва демократия душманларига қарши курашга бағишлаган прогрессив журналистларнинг қувғин ва репрессияларга дучор қилинаётганлиги ҳақида ғазаб ва норозилик билан гапирдилар. Йиғилишда сўзга чиққан журналистлар Ч. Г. Абаев, А. Нурмуҳамедов, Ҳ. Иброҳимовлар турмаларга ташланган журналистларнинг озод этилишини, уларнинг эркин жамоат фаолияти ҳуқуқи қайтариб берилишини талаб қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари прогрессив жамоатчиликнинг реакция ўзбошимчалигига чек қўйиш ҳақидаги талабларини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ҳамда ер юзида тинчлик ва бахт-саодат учун курашаётган бутун дунё журналистларига бирдамлик изҳор қилдилар. (ЎзТАГ).

ФУТБОЛ

## ЧЕМПИОН БИЛАН ДУРАНГ

Ҳа, неча Тошкентнинг «Пахтакор» футбол командаси Москва спартанчилари билан ўйнаб, чемпиондан бир очко тортиб олди. Очиқ эътироф этиш керакки, ўйин олдидан ишқибозларнинг бундай натижага кўзи етмаган эди. Спартакчилар биринчи тўпни ургандан сўнг ҳам (Фалин) томошабинлар яна умидсизланиб ўтиришган эди.

Лекин «Пахтакор»гина бу голдан чўчимади. Майдон эгалари И. Тазетдинов бошчилигида жавоб ҳужумларини тайёрлай бошладилар. Кўп ўтмай «Спартак»нинг штраф майдонида Г. Красницкий пайдо бўлади. Дарвозабон Маслаченко унинг зарбини йиқилиб қайтаради. Бироқ вақтида етиб келган Б. Абдураимов урган тўпни у ушлаб қололмайди. Ҳисоб 1:1.

Танаффусдан кейин яна тарозининг палласи меҳмонлар томонига босди. Хавфли ҳужумчи Хусаинов иккинчи тўпни урди. Бироқ зум ўтмай яна стадионда овация бошланди: ҳисоб яна тенглашди. Моторин майдон ўртасидан ёриб бориб тўпни Красницкийга аниқ ошириб берди. Марказий ҳужумчимиз бу иккинчи голнинг автори бўлди.

Тўғри, неча чемпион бир мунча суст ўйнади. Лекин «Пахтакор»нинг аввалги хатолардан тегишли хулоса чиқара бошлаганлиги ҳам сезилди. Тошкентликлар «Спартак» билан тенпа-тенг беллашдилар. Шунинг учун ҳам ишқивозлар стадиондан мамнун қайтишар экан, «Пахтакор»чилар ўзига келибди, ўйнай олишар эканку», деган мулоҳазада эдилар.

«Пахтакор»чиларда ҳозир 5 ўйиндан 3 очко бор. Энди улар навбатдаги матчларни Ватанимиз пойтахтида ўтказадилар.

**М. СОАТОВ.**

## Ботвинникми, Петросян?

## ҲОЗИРЧА УМИД ПЕТРОСЯНДАН

*Ким енгиб чиқади — Ботвинникми ёки Петросянми? Жаҳон биринчилиги учун ўтказилаётган шахмат матчи қизғин тус олиб келмоқда. Шахмат ишқибозлари ҳар бир ўйинни диққат-эътибор билан кузатиб боришаяпти. Рақибларнинг қайси бири кучлироқ бўлиб чиқади, мусобақанинг натижаси қандай бўлади? ТАСС-нинг спорт редакцияси Кюрасаодаги даъвогарлар турнирининг қатнашчилирига ва жаҳоннинг собиқ чемпионларига: «Сизнинг фикрингизча, ҳозир ютиб чиқиш учун кимнинг имкониятлари устунроқ— Ботвинникникими ёки Петросянникими?» деган савол билан мурожаат қилди. Улар қуйидагича жавоб беришди:*

*ПАУЛЬ КЕРЕС: Петросян Ботвинникдан бир очко олдинда кетаяпти. Унинг ғалаба қилиш имкониятлари ҳам шу очкочалик устунроқ, деб ҳисоблайман.*

*РОБЕРТ ФИШЕР: Менимча, шу чоққача, матчда ғоят қизиқарли партиялар бўлгани йўқ. Фикримча, матчни Петросян ютиб чиқади, чунки, у, ўз рақибига қараганда анча ёшроқдир.*

*ВАСИЛИЙ СМИСЛОВ: Жаҳон чемпионининг масъулиятли матч учрашувлари ўтказишда жуда бой тажрибаси бор. У, ўз рақиблари ўйинининг хусусиятларини бамисоли микроскоп орқали қарагандек, кўриб, шу анализдан жуда яхши фойдалана олади. Лекин Петросян билан ўтказилаётган матчда у, ҳозирча рақибининг ижодий «пўлат сандиғи»га калит топа олганича йўқ.*

*Юксак техникага эга эканлигини намойиш қилаётган ёш даъвогарнинг ҳозирги устунлиги унча баланд эмас. Лекин у, жаҳон чемпионини ҳужум ҳаракатлари қилишга мажбур этаяпти. Бундай вазият эса, мудофаада кучли бўлган Петросяннинг айни муддаосидаги ишдир. Мен кураш сўнгги уч партияда айниқса қизғин ва кескин тус олади, бу партиялар матчнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин, деб ўйлайман.*

*МИХАИЛ ТАЛЬ: Ўзининг ижодий мазмунига ва воқеаларнинг ривожланишига қараганда, Ботвинник-Петросян матчини «тенгларнинг якка-ма-якка олишуви» деб атаса бўлади. Мана шунинг учун мен бу зўр мусобақада 24 партиянинг ҳаммаси ўйналади, деган фикрдаман. Рақибларнинг қайси бири ютиб чиқади? Ҳозирча бу саволга жавоб бериб бўлмайди, деб ўйлайман. Қаттиқ жангу-жадаллар ва комбинация довулларининг ишқибозлари ҳали анча вақтгача рақибларнинг позиция тузишдаги энг нозик ҳаракатларини кузатиш билан кифояланишга мажбур бўладилар. Менинг назаримда, ҳал қилувчи жанг сўнгги партияларда бўлади.*

*ВИКТОР КОРЧНОЙ: Матчнинг ҳар иккала қатнашчисига ҳам ихлосим зўр. Лекин холисанлилло гапирадиган бўлсак, менимча ҳозир Петросяннинг ютиб чиқиш имкониятлари устунроқдир. Даъвогар машаққатли олишувга руҳий жиҳатдан яхшироқ тараддуд кўриб келган. Масофанинг дастлабки ярмида ақалли битта партияни ортиқча ютиш унинг олдида вазифа бўлиб турган эди. У, шу вазифани бажарди. Петросян даҳшатли рақибига ўзининг иродаси ва тактикасини ҳозир муваффақият билан ўтказиб келяпти. Ботвинник эса, йўл-йўлакай ўзини ростлаб олишга мажбур бўлаяпти. Менимча, матчнинг тақдири Ботвинник ўзини қанчалик тез ростлаб олишига боғлиқдир. (ТАСС).*

СПОРТ

## Осмон довюраклари байрами

Бугун довюраклар ва жасурлар, кучлилар ва чидамлилар —парашютчилар байрами. Тошкент ипподромининг мовий осмонида мамлакатимиздагина эмас, балки жаҳонда энг кучли ҳисобланган парашютчилар маҳоратларини намойиш қиладилар. Самода парашютни очмай туриб эстафета ўтказиш, турли акробатик машқлар бажариш, мўлжалланган нуқтага тушаолиш учун чиндан ҳам шижоатли бўлиш ва айни вақтда нафис ҳаракат қилиш лозим.

Бугун тошкентлик парашют ишқибозлари биринчи марта АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатининг ғолиби ва СССР чемпиони Е Ткаченко, жаҳон рекордчилари, хизмат кўрсатган спорт мастерлари Г. Пясецкая, В. Селиверстова, жаҳон рекордчилари — А. Дунаев, Ю. Попов, Т. Войнова, Ф. Солдадзе ва бошқаларни кўраоладилар. Осмон довюраклари орасида тошкентлик парашютчи, жаҳон рекордчиси Абдулла Фасхиддинов ва СССР чемпиони Юрий Бесстрашнов-лар бор.

**Ш. УМУРЗОҚОВ.**

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг**, 12.20— **Советлар ҳокимияти учун** номли бадиий фильм, 13.45 — **Логарифмлар ҳақида** («Мактабга ердам» циклидан), 14.25 — **Ульяновлар оиласи** номли бадиий фильм (ўзбек тилида), 18.00 — **Билмасвой саргузаштлари** (болалар учун қўғирчоқ спектакли), 18.50 — **Телевизион янгиликлар**, 19.05 — **Уч революция ёдгорликлари** (ҳужжатли фильм), 19.25 — **Концерт** (совет қўшиқларидан), 20.05 — **Новости дня** киножурнали ва **Бахтиёр бўл, Ани** номли кинокомедия.

Ўзбек тилида: 21.30—**Телевизион янгиликлар**, 21.45 — **Концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

**Фрунзе телевидение студияси эшиттиришлари.**

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/IV да кундуз **Олтин калит**, кечқурун **Флория Тоска**, 23/IV да **Мазепа.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/IV да кечқурун **Олов**, 23/IV да **Имон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/IV да кундуз **Кимга тўй, кимга аза**, кечқурун **Тошболта ошиқ**, 22/IV да **Ғазал фожиаси.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Янги аттракцион. **Анатолий Сокол** ўз ёрдамчиси — **электрон-механик киши «робот» билан.** Бугун 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12. 3 ва кеч 7 яримда.

## КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

**Ленин 1918 йилда** — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 яримда).

**Ленин йўлланмаси билан** — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

**Ленин ҳақида ҳикоялар** — «ИСКРА» (эрталаб соат 10 да).

**Симладаги севги** — «ВАТАН», НАВОИЙ номли «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

**Шамол эсsанг, бўрон унар** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Саҳнада** (эрталаб соат 10. кундуз 12. кеч 8 ва 10 да). **Капитан Лой туши** (кундуз 2. 4 ва кеч 6 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

ЁЗГИ БИНОДА:

**Шамол эсsанг, бўрон унар** — КАФАНОВ номли (кеч соат 8 яримда).

**Сен етим эмассан** — «ПОБЕДА» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

**Симладаги севги** — «ФЕСТИВАЛЬ» «ПАХТАКОР» (кеч соат 8 яримда).

**Капитан Лой туши** — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 яримда).

**Хуана Гальо** — «ШАРҚ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

**Гуноҳкор фаришта** — 1 МАЙ номли (кеч соат 8 яримда).

*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.*

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

**РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885, Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

*«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.*

Р. 08100. ИНДЕКС 64695 А. 1577.